# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

**Бобоқул Тошев**
**Юристлар малакасини ошириш марказининг Касбий кўникмаларни ривожлантириш кафедраси мудири, юридик фанлар доктори, профессор**
(b.toshev@mail.ru)



# М а ъ р у з а   р е ж а с и:

1. Коррупцияга қарши кураш сиёсатининг ривожланиш тенденцияси ва хорижий тажриба.

2. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши кураш сиёсатининг мазмуни ва ҳуқуқий асослари.

3. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши кураш сиёсатини шакллантириш.

4. Коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг стратегик йўналишлари


КОРРУПЦИЯНИНГ
Беш минг сўм
3 сабаби
1. Иқтисодий — давлат хизматчиларининг паст ойлик маоши, уларнинг тадбиркор ва фуқаролар фаолиятига таъсир кўрсатишда юқори ваколати.
2. Институционал — давлат идоралари ишидаги ёпиқлик, ҳисоботлар тизимидаги қўшиб ёзишлар, қонунчилик тизимида шаффофликнинг йўқлиги, давлатнинг кучсиз кадрлар сиёсати.
3. Ижтимоий-маданий — жамиятнинг интизомсизлиги, фуқароларнинг тартибсизлиги ва ахборотга эга эмаслиги, жамоатчилик пассивлиги.

Бельгиянинг Брюгге шахрининг Ратуша судида нидерланд рассоми Герард **Давиднинг «Камбис жазоси» ва «Порахўр судьянинг териси шилиниши»** диптих расмлари жойлашган. **Диптих1498 йил яратилган.**



Одил судлов тизимида коррупцияни тугатиш сиёсати юзасидан қадимги форс давлати – Аҳмонийлар салтанатида шафқатсиз жазолар бериш орқали кураш олиб борилган. Хусусан, тарихчи Геродотнинг хабар беришича, шоҳ Кир II нинг ўғли **Камбис II даврида тарафларнинг биридан пора олгани учун Сисамн исмли судьянинг тириклайин териси шилиб, ўтирган курсисига тортиб қўйилган ҳамда унинг ўғли шу вазифага тайинланган**, токи судда иш кўраётган чоғида қайси курсида ўтирганини унутмасин. Ана шундан сўнг қадимги форс судьялари орасида бирорта ҳам порахўрлик ҳолати аниқланмаган.

# Замонавий касб этикаси ва коррупцияга қарши кураш сиёсати тўғрисидаги таълимот асосчиси

**Иеримия Бентам 1748-1832 йй.**



**«Деонтология, одоб тўғрисидаги таълимот» -давлат хизматчилари олдига қўйиладиган асосий талабларни ва унинг асосий мақсади сифатида давлат хизматчиларининг асосий мажбуриятлари, уларга қуйиладиган чеклов ва таъқиқлар мажмуини белгилайди**

# Хорижий давлатларда коррупцияга қарши кураш сиёсатини акс эттирувчи ҳуқуқий асосларнинг шаклланиши

**1** АҚШда 1883 йилда Фуқаролик давлат хизмати Пендлтон Қонуни қабул қилинган.

**2** Британия империясида 1889 йилда «Давлат идораларида порахўрликка қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган.




**3** Сингапурда 1960 йилда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинади.

**4** АҚШда 1970 йилда “Уюшган жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисида”ги (РИКО) Қонуни қабул қилинади.

# Буюк Британиянинг 1906 йил 4 августда қабул қилинган Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонуни



SUPPLIED FOR THE PUBLIC SERVICE

## CHAPTER 34.

An Act for the better Prevention of Corruption. A.D. 1906.

[4th August 1906.]

BE it enacted by the King's most Excellent Majesty, by and with the advice and consent of the Lords Spiritual and Temporal, and Commons, in this present Parliament assembled, and by the authority of the same, as follows:

Punishment of corrupt transactions with agents.

**1.**—(1) If any agent corruptly accepts or obtains, or agrees to accept or attempts to obtain, from any person, for himself or for any other person, any gift or consideration as an inducement or reward for doing or forbearing to do, or for having after the passing of this Act done or forborne to do, any act in relation to his principal's affairs or business, or for showing or forbearing to show favour or disfavour to any person in relation to his principal's affairs or business; or

If any person corruptly gives or agrees to give or offers any gift or consideration to any agent as an inducement or reward for doing or forbearing to do, or for having after the passing of this Act done or forborne to do, any act in relation to his principal's affairs or business, or for showing or forbearing to show favour or disfavour to any person in relation to his principal's affairs or business; or

If any person knowingly gives to any agent, or if any agent knowingly uses with intent to deceive his principal, any receipt, account, or other document in respect of which the principal is interested, and which contains any statement which is false or erroneous or defective in any material particular, and which to his knowledge is intended to mislead the principal;

he shall be guilty of a misdemeanour, and shall be liable on conviction on indictment to imprisonment, with or without hard labour, for a term not exceeding two years, or to a fine not exceeding five hundred pounds, or to both such imprisonment and such fine, or on summary conviction to imprisonment, with



**1906 йил АҚШда илк бор Хусусий секторда коррупцияга қарши курашишга ихтисослашган ички хавфсизлик (комплаенс хизмати) ташкил этилади**




**1977й. АҚШнинг «Хорижда коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги акт» (FCPA — Foreign Corrupt Practices Act) қабул қилинади. Қонун талаби корпорацияларда комплаенс хизмати ташкил этилиши шарт**

**2002 йил 30 июлда Сарбейнз-Оксли (Sarbanes-Oxley Act, SOX) Қонуни қабул қилинади ва АҚШ биржасида ўз активларини жойлаштирган барча хорижий компаниялар ўзларида копоратив бошқарув тизимига коррупцияга қарши комплаенс хизматларини ташкил этишлари мажбур**

**Коррупцияга қарши кураш сиёсат 1979 йилдан эътиборан Хитойда 1 млн. мансабдор шахс коррупцион жиноятлар содир этгани учун жиноий жавобгарликга тортилган. Хитой рахбарияти томонидан 2012 йилдан амалга оширилаётган коррупцияга қарши кураш доирасида коррупцион жиноятлар содир этган 13 000 (!) мансабдор шахс қатл этилган. 2018 йилда коррупцион жиноят содир этган 160 000 давлат идораларидаги мансабдор шахс жавобгарликга тортилган.**








**«Осмон тўри» дастури ХХРда 2014-2016 йиларда амалга оширилган «Осмон тўри» дастури доирасида 90 ортиқ давлатларда яшириниб юрган коррупцион жиноятлар содир этган 2566 мансабдор шахслар ва улар томонидан жиноий йўллар билан олиб чиқилган  8,6 млрд.юан (1,25 млрд долл.)**





# Гонгконгда коррупцияга қарши кураш сиёсати йўналишлари:

ХХ аср ўрталарида Гонгконг коррупция “ботқоғига ботиб қолган” (давлат ҳокимияти органлари 94% коррупциялашган) эди

“Мол-мулкингни пора эвазига орттирмаганингни исботла!” деган тамойил ўрнатилди



1974 йили М.Мюррей мустақил ҳеч қайси давлат органига бўйсунмайдиган Коррупцияга қарши кураш бўйича Комиссияни тузди

Коррупцияга қарши кураш бўйича Комиссия фаолияти устидан зиёлилар ва тадбиркорлардан иборат жамоатчилик назорати жорий этилди

Маҳаллий ОАВ томонидан эркин тарзда коррупция билан боғлиқ ҳар қандай янгиликларни эълон қилиш ва журналистик суриштирувлар олиб бориш фаолияти тўлиқ равишда таъминланди

# Сингапур Республикасининг коррупцияга қарши кураш сиёсати принциплари

1. Жамоатчилик иззаси
2. Жавобгарлик мақаррарлиги
3. Давлат ва шахсий манфаатлар чекланиши
4. қонун устуворлиги мустаҳкамланиши
5. Коррупцияга қарши Бюро ташкил этиши
6. Раҳбарлар шахсий намуна кўрсатиши
7. Лавозимга тайинланишда халоллик
8. Мулк ва даромадларни декларация қилиш



«Менда иккита йўл бор эди: Биринчиси — ўғирлаш ва дўстларим ҳамда қариндошларимни «Форбс» рўйхатига киритиш, бу билан халқимни қуруқ ерда қолдириш. Иккинчиси — халқимга хизмат қилиш ва мамлакатни дунёнинг энг яхши давлатлари ўнлигига киритиш. Мен иккинчисини танладим...»

Ли Куан Ю, Сингапур “иқтисодий мўъжизаси” асосчиси



# Исроилнинг 5-Бош вазири Голда хоним Меир шундай васият қолдирган экан:

"... Агар Сиз ўғил-қизлари унга доимо қайтадиган, аҳолиси ундан фақат таътил мавсумидагина четга чиқадиган, унинг ҳудудида келажак учун қўрқув ҳисси бўлмайдиган Ватан қурмоқчи экансиз, *қуйидаги икки қадамни қўйинг:*

- 1. Коррупцияни ватанга хоинликка, коррупционерни эса энг ашаддий сотқинга тенглаштиринг.
- 2. Ҳарбийлар, ўқитувчилар ва шифокорларни энг катта маош тўланадиган касб эгаларига айлантиринг.

Энг муҳими, меҳнат қилинг, меҳнат қилинг ва меҳнат қилинг. Негаки, Сизни ўзингиздан бошқа ҳеч ким ҳимоя қилмайди, боқмайди. Сизнинг Ватан ўзингиздан бошқага керак эмас. Агар, ана шу айтганларим оддий сўз ва шиор бўлиб қолмасдан, турмуш тарзингизга айланса, Сиз ўз мақсадингизга эришган бўласиз."

# Ўзбекистон етакчисининг 10 та асосий ислоҳоти

### 1. Валюта бозорини эркинлаштириш
- Эркин валюта конвертациясига ўтиш
- Миллий валюта алмашув курсини бозор курсига ўтказиш ва босқичма босқич пасайтириш
- Иқтисодиёт тармоқларини мажбурий валюта сотишдан озод этиш

### 2. Иқтисодий ислоҳотлар
- Давлат компанияларининг ислоҳ этилиши, уларни қўллаб-қувватланиши ва қайта ихтисослаштирилиши
- Бизнес юритиш шартларининг енгиллаштирилиши, корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ҳар томонлама рағбатлантириш
- Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт монополиясига барҳам берилиши
- Автомобиль комплексининг либераллаштирилишлиши

### 3. Солиқ ислоҳотлари
- Солиқ ислоҳотлари концепциясининг қабул қилиниши
- Солиқ қонунчилигининг такомиллаштирилиши
- Бир-бирини такрорловчи солиқларнинг бекор қилиниши ёки бирхиллаштирилиши
- Корхона, ташкилот ва тадбиркорлар учун солиқ таътилларининг жорий этилиши



### 4. Қуролли кучлар ислоҳоти
- Ҳарбий таълим тизимининг такомиллаштирилиши
- Ҳарбий хизматчилар ижтимоий ҳимоясининг оширилиши
- Бошқа мамлакатлар билан ҳарбий-техник ҳамкорликнинг ривожлантирилиши
- Қуролли кучларининг модернизация қилиниши ва қайта қуроллантирилиши
- Ҳарбий саноат комплексининг тузилиши

### 5. ИИВ ислоҳоти
- Ички ишлар органлари фаолиятининг такомиллаштирилиши
- ИИВ раҳбарларининг амалга оширилган ишлари бўйича депутатлар ва аҳоли олдида мажбурий ҳисобот бериш механизмларининг жорий этилиши
- 2023 йилгача мўлжалланган "Хавфсиз шаҳар" лойиҳасининг ишлаб чиқилиши
- "Хавфсиз пойтахт" концепциясининг ишлаб чиқилиши

### 6. Маъмурий ислоҳотлар
- Маъмурий ислоҳотлар концепциясининг қабул қилиниши
- "Давлат хизматлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилиши
- Иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсирларнинг қисқартирилиши
- Давлат бошқарувига стратегик режалаштиришнинг янги шаклларининг татбиқ этилиши

### 7. МХХ ислоҳотлари
- Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат хавфсизлик хизматига ўзгартирилиши
- Хизмат фаолиятининг ваколат ҳамда йўналишларининг аниқ чегараланиши
- "Давлат хавфсизлиги тўғрисида"ги қонунининг қабул қилиниши

### 8. Таълим ислоҳотлари
- 11 йиллик мактаб таълими тизимининг жорий этилиши
- Олий таълим муассасалари ҳамда илмий-тадқиқот институтлари ходимлари ойлик маошларининг оширилиши
- Олий таълим муассасаларининг "ақлли университет" ягона ахборот тизимига уланиши
- Мактабгача таълим вазирлигининг ташкил этилиши

### 9. Инсон ҳуқуқлари
- БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 70 йиллигига бағишланган Чора-тадбирлар Дастурининг қабул қилиниши
- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакили – Бизнес омбудсман институтининг ташкил этилиши
- Шахс эркинлиги ва дахлсизлигини таъминлаш бўйича Чора-тадбирларнинг қабул қилиниши
- Биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Президентининг авф этиш бўйича Фармонининг қабул қилиниши

### 10. Коррупцияга қарши кураш
- 2017–2018 йилларда коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурининг қабул қилиниши
- Коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссиясининг ташкил этилиши
- "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилиниши

# Коррупцияга қарши курашишда давлат сиёсати

Амалдаги қонунчиликка кўра, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсати **давлат дастурлари** ва **бошқа дастурлар** асосида амалга оширилиши мумкин.

Давлат дастурлари ва бошқа дастурлар соҳавий қонунлар нормалари самарали ижро этилишини таъминлаш, коррупциянинг ҳолати ҳамда тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича комплекс ва тизимли чора-тадбирлар кўриш мақсадида ишлаб чиқилади ҳамда амалга оширилади.




**Стратегиянинг 2.4.** бандида Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш борасида жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш;

диний экстремизм ва терроризмга, уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш;

**коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш вазифаси белгиланган**

# Коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг асосий элементлари



# “Юқоридан қуйига муносабат”нинг амалга ошириш намунаси (1/2)

**Давлат идоралари ва муассасалари раҳбарлари, шунингдек, мазкур органлар ва муассасаларининг таркибий бўлинмалари раҳбарлари қуйи бўғинлар, фуқаролар ва юридик шахслар билан муносабатларда ҳалол, адолатли ва мустақил хулқ-атвор намунаси бўлиши керак.**

01



**Коррупцияга қарши талабларга риоя қилишнинг аҳамияти тўғрисида раҳбарлардан тортиб то қуйи ходимларга қадар видео ва / ёки ёзма хабарларни тайёрлаш ва нашр етиш.**

02



**Раҳбар ходимлар учун KPI тизимига коррупцияга қарши кўрсаткичларни киритиш.**

03



**Ички ва ташқи манбаларда коррупцияга қарши қўлланманинг даврий мақолалари ва нашрлари.**

04



**Коррупцияга қарши тадбирларда фаол иштирок этиш.**

05



**Иш юритиш ва коррупсияга қарши талаблар юзасидан ўз ходимларидан уларга келиб чиқадиган масалалар бўйича маслаҳатлар бериш.**

# “Юқоридан қуйига муносабат”нинг амалга ошириш намунаси(2/2)

06



Ҳалоллик, одиллик, очиқлик ва ўзаро ёрдам тамойиллари асосида корпоратив маданиятни шакллантириш.

07



Назорат процедураларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқиш ва мувофиқлигини баҳолашда, унинг функциялари таркибига кирувчи коррупция билан боғлиқ хатарлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишда қатнашиш.

08



Бошқарув процедураларини бажаришда юз берган оғишлар ва юзага келган нохушликлар, тузатиш чораларини ишлаб чиқишда қатнашиш тўғрисида Департаментни хабардор қилиш.

09



Ахлоқий хулқ-атворнинг шахсий намунасини ва коррупцияга қарши курашиш қонунлар ва қабул қилинган ички ҳужжатларни намойиш қилиш.

10



Коррупцияга қарши самарали чора-тадбирлар ва процедураларни амалга оширишга кўмаклашиш, шу жумладан коррупцияга қарши чоралар дастурини / харитасини ишлаб чиқишда иштирок етиш ва унинг бажарилишини назорат қилиш.

# Коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни стратегик йўналишлари




**Давлат хизмати тизими, унинг мақсадлари ва вазифаларини тубдан такомиллаштириш**

**Тадбиркорликнинг ривожланиши учун ҳуқуқий чекловларни ва ташкилий тўсиқларни олиб ташлаш**

**Давлат хизматларини тақдим этиш ва маъмурий тартиб-таомилларни тартибга солишнинг ҳуқуқий ва институционал асосларини такомиллаштириш**

**Маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш, давлат органларининг вазифаларини оптималлаштириш, давлатга тегишли бўлмаган функцияларни хусусий секторга ўтказиш**

**Коррупцияга қарши кураш соҳасида суд ва ҳуқуқни мухофаза қилиш органларининг мақсадлари, вазифалари ва функцияларини оптималлаштириш**

**Давлат органлари, жамоат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида алоқа каналларини йўлга қўйиш**

**Кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, юқори аҳлоқий меъёрларни шакллантириш**

# Коррупцияга қарши кураш сиёсатини шакллантириш борасида ваколатли органлар

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати**



**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти**

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги**

**Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга оширади**

# Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашишнинг институционал тизимини қуйидагилар ташкил этади:




01 Ўзбекистон Республикаси Президенти

02 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

03 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

04 Ўзбекистон Республикаси Олий суди

05 Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси

06 Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

07 Ўзбекистон Республикаси вазирлик ва муассасалари

08 Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари

# Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизими




Давлат солиқ хизмати органлари
Меҳнат органлари
Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари
Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари

# Коррупциявий жиноятлар содир этилишини олдини олишда назорат тизимлари

- Парламент назорати
- Жамоатчилик назорати
- Прокурор назорати
- Давлат молиявий назорати
- Маъмурий назорат
- Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя этиш соҳасидаги назорат

# Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши кураш сиёсатининг мазмуни

- Ўзбекистон Республикасининг **2017 йил 3 январдаги "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни 6 боб, 34 та модда**дан иборат бўлиб, унда Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши кураш сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган ва "коррупция", "коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик", "манфаатлар тўқнашуви" каби асосий тушунчалар, коррупцияга қарши курашнинг асосий принциплари бу борадаги давлат сиёсати, коррупцияга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар ва давлатнинг ваколатли органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ОАВ қатнашиши, аҳолини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва ҳ.к.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5843-сон фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди.**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги ПҚ-4472-сон “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Агентлик Низоми тасдиқланди.**

Низомнинг 3-бандига асосан **Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги давлат органлари ва ташкилотларида инсон ресурсларини ривожлантириш ҳамда ходимларни бошқариш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш учун масъул бўлган давлат фуқаролик хизмати ишлари бўйича ваколатли давлат органи ҳисобланади**.

Низомнинг 12-бандига асосан Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ўз зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ бир қатор функцияларни амалга ошириши белгиланган. Улар ичида **давлат фуқаролик хизматчиларида юксак касб этикаси, коррупцияга тоқатсиз муносабатни ва унга қарши курашиш маданиятини шакллантириш;**

**давлат фуқаролик хизматчиларида юксак касб этикасини, коррупцияга тоқатсиз муносабатни ва унга қарши курашиш маданиятини шакллантириш бўйича таъсирчан чораларни кўриш;**

**давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш, давлат фуқаролик хизматчиларига юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни сингдириш дастурлари ишлаб чиқилишини таъминлаш (и)) функциялари белгиланган.**

1

**2017 йил 8 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ–5185-сон фармони**

2

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.02.2017 йил лдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎзР. қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2752-сон қарори**

3

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сонли “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони**

4

**2019 йил 9 январдаги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида ПФ-5618-сон Фармони**

5

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини  такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони

6

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ф-5464-сон фармойиши

7

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 апрелдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4290-сон қарори

8

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон фармони

# Коррупцияга қарши курашишда манфаатлар тўқнашуви

Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва муассасаларда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбия қоидалари белгиланган. Шундан келиб чиқиб, жамиятда коррупцияга қарши муросасиз бўлиш туйғусини шакллантириш муҳим ҳисобланади.

**Коррупцияда манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини тартибга солувчи миллий қонунчилик нормалари**

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунининг 21-моддасига мувофиқ давлат органларининг ходимлари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги керак- деб эътироф этилган.


Эътиборингиз учун
раҳмат!